



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида

Тобора ривожланиб, чирой очиб бораётган жонажон Ватанимизда миллий ва диний қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборни янада мустаҳкамлаш, эл-юртимиз учун азалдан эзгулик, савоб, меҳр-мурувват рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойини муносиб ўтказиш, ушбу айда ислом динининг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғоялари ҳамда инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида:

1. 2019 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 6 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлашти-

риш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Бунда: жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга давлат этакдиган ҳамда улғайиб келаётган ёш авлоди она Ватанга садоқат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишларини ташкил этишга;

мурувват, аҳиллик ва ҳамжихатликни улуғловчи ушбу фазилатли айда эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож оила-ларни ҳар томонлама қўллаб-қувват-

лаш, маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг зиёратгоҳларини, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 май

9 май – Хотира ва қадрлаш куни



Мақхам Муҳаммедов,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 98 ёш:

– Инсон ҳамisha яхши ният қилиб яшаши керак экан. Оловли жангтоҳларда юртимизга ғалаба билан қайтиш, элимизнинг фаровон кунларига гувоҳ бўлишнинг астойдил кўнглимга туккандим. Шукрки, иккисига ҳам эришдим.

Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони асосида бизларга эътибор янада кучайди, 7,5 миллион сўм мукофот берилиши белгиланди. Шифокорлар ҳолимиздан тез-тез хабар олиб турибди. Шу кекса ёшимизда бизга нима керак, меҳр-эътибордан бўлак?! Бундан ортиқ бўладими қадрланиш? Ҳукуратимиз ва халқимиз томонидан қилинаётган шундай ғамхўрликлардан ёшимизга ёш қўшилипти, қўнглимиз ўсяпти. Етказганига шукр, кўрсатганига шукр, деб дуо қилиб ўтирибмиз.

Солижон ЗОИРОВ
сурат-лаҳаси

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Т.А.Боболовни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Тўра Абдиевич Боболов Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 май

БУГУНГИ СОНДА:

“БИР ҲАФТАДА
БИР КИТОБ”

2

деб номланган интеллектуал танлов Навоий вилоятида ўзига хос синовга айланмоқда

Бошқа ҳудудларда кузатилмаган ушбу тадбирда вилоятдаги 50 та корхона, ташкилот ва бошқарма ходимларининг 5 нафардан иборат 50 та жамоаси иштирок этмоқда.

МУАММОНИНГ
ИЛДИЗИ
ВИҶДОНДА,
ИЙМОНДА

5

Ҳўжақўрсинга ишлаётган комиссияларни онла, сарсон фарзандлар тақдири ки-зиқтирмаслиги юзаки чиқарилаётган хулосаларда аён.

“АКЦИЯ”ЛАР:
КИМГАДИР
ФойДА,
БОШҚАЛАРГА
ЗИЁН

6

“Энергетик ичимликлар нима?”, “Энергетик ичимликларнинг қанчалик муҳлисисиз?”, Ижтимоий тармоқлар орқали ушбу сўровномани ўтказиб, шунга амин бўлдики, айнан охириги йилларда ушбу ичимликлар аҳоли ўртасида кенг тарқалган ва таъми ёқмас ҳам олишга мажбур бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 30 апрель – 1 май кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Термиз шаҳрида халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган сессияда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, нуронийлар, тадбиркорлар, фермерлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев сессияни очиб мулоқот тарзида ўтказишни тақдир қилди.

– Ҳақиқий аҳволни гапирган одам бизга дўст. Учрашувимиз ҳамма масалаларни жой-жойига қўйиб бўйича фойдали бўлсин, – деди давлатимиз раҳбари.

Фойдали қазилмаларга бой, табиий иқлим шароити йилига уч мартагача ҳосил олиш имконини берадиган, аҳолиси меҳнатсевар Сурхондарё вилояти салоҳиятининг ҳали ўндан бири ҳам ишга солинмагани қайд этилди. Аҳоли жон бошига ялли худудий маҳсулот мамлакатимиз кўрсаткичидан 2,3 баробар, хизмат кўрсатиш 2 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш 8 баробар кам экани кўрсатиб ўтилди. Вилоятда иқтисодий фаол аҳолининг 10 фоизи ишсиз, тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 54 фоиз экани танқид қилинди.

Шу каби масалаларни ҳал этиш, вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида 2019-2020 йиллар учун умумий қиймати 23 триллион 632 миллиард сўмлик 649 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган. 2,2 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, 11,5 минг иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Сурхондарёнинг ўзига хос хусусияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда замонавий корхоналар ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли ва маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш, худудни комплекс ривожлантириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилояти ҳокимининг иқтисодий ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Тўра Боболов номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия қилди.

Тўра Боболов 1970 йилда туғилган. Меҳнат фаолиятини Давлат мулк қўмитаси вилоят бошқармасида ҳисобчиликдан бошлаган. Кейинчалик Савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси, вилоят ҳокимлигида худудларни комплекс ривожлантириш бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Халқ депутатлари Тўра Боболов номзодини маъқуллади ва у Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз Термиз шаҳридаги тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “ZIF TEXTILE” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Ушбу замонавий корхонани барпо этиш учун 2017 йили Термиз темир йўл шифохонасининг қурилиши тугалланмаган тўрт қаватли биноси лойиҳа ташаббускорларига 16 миллиард сўм инвестиция киритиш шарти билан “ноль” харид қийматида берилган эди. Ўтган қисқа вақтда мазкур иш-шоотда йирик ҳажмда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Тикув цехлари, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар бунёд этилди. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилди. Германия, Италия, Туркиядан замонавий тикувчилик дастгоҳлари келтириб ўрнатилди.

Йирик лойиҳани ишга тушириш

ушбу 16,6 миллион доллар сарфланди. Унинг 10 миллион доллари тижорат банкининг кредит маблағидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонада бўлиб, тикувчилик маҳсулотларини кўздан кечирди, ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашди.

Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хомашёсини қайта ишлашни, тайёр маҳсулот экспортини кенгайтириш зарурлигини қайд этди.

Лойиҳа ишга туширилиши билан 1000 та иш ўрни яратилди. Корхона жорий йилда 29,4 миллион доллар қийматидаги болалар ва катталар кийими, жинси шим каби тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва 8,8 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Келаси йили бу ерда 38,2 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва унинг қарийб ярми чет эллик буюртмачиларга етказиб берилади. Шу тариқа 2021 йилда корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 49,6 миллион долларга етади, йилига 34,7 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбарига Термиз шаҳридаги “Nova pham” Ўзбекистон – Ҳиндистон фармацевтика қўшма корхонаси, Термиз шаҳрининг бош режаси, Термиз туманидаги Султон Саодат зиёратгоҳини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш, шунингдек, вилоятга инвестиция киритишга масъул этиб белгиланган мамлакатимизнинг Австрия, Тожикистон, Япония ва Афғонистондаги дипломатик ваколатхоналари кўмағида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Шу ерда “Киномобиль” – Ўзбекистондаги биринчи инновацион кинотеатр лойиҳаси тақдирини ўтказилди. MAN автомобиллига ўрнатилган мобиль кинотеатр вентиляция, иситиш-совутиш тизими билан жиҳозланган. Томошабинлар фильмларни 2D ҳамда 3D форматда кўриши мумкин.

Инновацион мобиль кинотеатрни

ишга тушириш учун 30 дақиқа кифоя қилади. Кўчма кинотеатр 80 томошабинга мўлжалланган. Ушбу лойиҳа юртимизнинг олис ва чекка худудларида яшовчи аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмир-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маданияти ва маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати ёшлар мазкур мобиль кинотеатрда “Экрандаги китоб” (экранлаштирилган бадиий асарлар) туркумида сеvimли фильмларни кўриш, жаҳон ва ўзбек адабиёти намояндалари ҳаёти ҳамда асарлари билан танишиш, китоб ва фильм муаллифлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу инновацион лойиҳа Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусга ҳамроҳандир. Яъни, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг мўлолаага меҳрини оширишга хизмат қилади.

“Cinema Servis” масъулияти чекланган жамияти бу лойиҳани Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Президентимизга мамлакатимиз худудларида замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этиш лойиҳаси тўғрисида ҳам маълумот берилди. Кўни кеча премьераси ўтказилган “Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий” ҳужжатли фильми намойиш этилди. Бу фильм сурхондарёликларга Рамазон ойи тўғрисида сифатида вилоятнинг чекка худудларида ҳам яна ўн кун намойиш этилиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари худудларда замонавий кинотеатрлар тармоғини кўриш лойиҳасини ўз вақтида ва сифатли яқунлаш юзасидан топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи яқунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
УА махсус мухбирлари

Ташаббус

“Бир ҳафтада бир китоб”

деб номланган интеллектуал танлов Навоий вилоятида ўзига хос синовга айланмоқда

Президентимиз ташаббуси билан аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонлики кенг тарғиб қилиш, шу орқали маънавий-маърифий муҳитни юксалтириш борасида залворли натижаларга эришилмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ўртасида китобхонлики тарғиб қилиш мақсадида Навоий вилояти ҳокими ташаббуси билан “Ҳар ҳафтада бир китоб муталаа қиламиз” интеллектуал танлови ҳар шанба кuni ўтказиб келинмоқда. Бошқа

худудларда кузатилмаган ушбу тadbирда вилоятдаги 50 та корхона, ташкилот ва бошқарма ходимларининг 5 нафардан иборат 50 та жамоаси иштирок этмоқда. Шу йилнинг 28 декабригача давом этадиган танлов иштирокчилари мумтоз адабиётимиз дурдоналари ва хориж адаблари қаламига мансуб сара асарлардан иборат 37 та китоб асосида беллашади.

– Вилоят ҳокимлигининг ушбу ташаббуси юрдошларимизнинг ақл-заковатини оширишга, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани билан муҳим аҳамиятга эга,

– дейди О‘зЛиDePнинг Навоий вилоят Кенгаши раиси Яшин Душанов. – Ҳозир партиямизнинг вилоят Кенгаши ходимлари ҳам қатнашаётган танловда “Темур тузуқлари”, “Бобурнома” буйича беллашилди. Ҳали ўйиннинг иккинчи тури тугамасиданоқ иштирокчилар кейинги китобни ўқишга киришаётгани кишини қувонтиради. Партиямиз жамоаси ушбу тadbирларда фаол қатнашиш билан бирга, аҳоли ўртасида китобхонлики кенг тарғиб қилишга ҳам киришган.

– Очиги, иш ва оила ташвишлари билан бўлиб, ки-

тоб ўқишдан чиқиб кетган эканмиз, – дейди танлов иштирокчиси А. Аптаров. – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридagi маълумотлар ниҳоятда қизиқarli экан. Менинг шу китобни тинимсиз ўқитганимни кўриб, фарзандларимда ҳам қизиқиш уйғонди. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, китобни, аввало, уйда ота-она ўқиса ва унга амал қилса, фарзандлар ҳам ўз-ўзидан эргашар экан. Йил охиригача давом этадиган танловда иштирок этиб, танланган сара асарларни ўқиймиз. Шу баҳона оилавий кутубхонамиз яна 37 та адабиёт билан бойийди.

Ҳар бир асардан 15 та савол қўйилиб, 250 нафардан зиёд иштирокчи қатнашаётган интеллектуал танлов вилоят аҳолиси ўртасида тобора омаллашиб бормоқда. Вилоят ҳокими голибарни йил охирида муносиб совгалар билан мукофотлаш тўғрисида тегишли топшириқ бергани эса танловнинг янада омаллашишига туртки бўлди. Янги-янги жамоалар келиб, биз ҳам танловда иштирок этамиз деб талаб қилаётгани аҳолининг муталаага чанқоқлигидан, ташаббус бардавонлигидан далолатдир.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
“XXI asr” мухбири



Тақдимот

“Ижтимоий иссиқхона” лойиҳаси

Сирдарё вилоятида хитойча услубда қуриладиган иссиқхоналар қишлоқ аҳолисига катта даромад келтиради

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сирдарё вилоят Кенгаши раиси Улғубек Сотиболдиевнинг ташаббуси билан Ховос туманининг “Бўстон”, “Хуснобод”, “Қаҳрамон”, “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Ҳар бир оила – тadbиркор” Давлат дастури доирасида “Ижтимоий иссиқхона” лойиҳасини амалга ошириш буйича тақдимотлар ўтказилди.

“Bek cluster” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси таркибидаги “Sirdaryo agro cluster” кўп тармоқли фермер хўжалиги, Буюк Британиянинг “Greenhouse equipment” компанияси ва Сирдарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигидаги “Ижтимоий иссиқхона” лойиҳаси доирасида мулоқот ташкил этди. Унда вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, давлат хизматлари агентлиги, банк вакиллари, О‘зЛиDeP тузилмалари масъул ходимлари, маҳаллий узини ўзи бошқариш органлари, ОАВ вакиллари, бир қатор ҳамкор ташкилотлар ҳамда лойиҳада иштирок этувчи фуқаролар қатнашди. Мазкур лойиҳанинг мазмун ва моҳияти слайдлар, жонли мулоқотлар орқали тушунириб борилди.

– Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида Хитой тажрибасини ўрганиб, амалда қўллаш буйича қатор тadbирлар амалга оширилди. Маркетинг-тадқиқот ишлари олиб борилиб, вилоятнинг чекка худудларида яшовчи аҳолининг фаровонлигини таъминловчи мазкур лойиҳа ишлаб чиқилди, – деди “Greenhouse equipment” компанияси директори Анвар Жуманов. – Иссиқхоналарда махсулотлар

етиштириш буйича Хитой Халқ Республикаси Шаньдун провинцияси Шоугуан уездининг энг илғор тажрибаси қўл келди.

Утган асрнинг 70-йилларида Хитойнинг Шаньдун провинциясидаги Саньюаньчи қишлоқ аҳолиси жуда ночор ҳаёт кечирган. Қишлоқ ерлари экинга яроқсиз ва сув танқис, ҳеч қаердан даромад манбаи йўқлиги боис одамларнинг нонга ҳам пули бўлмаган. Шу йили хўжаликка раис қилиб тайинланган 37 ёшли Ван Лэй дастлабки кунданоқ қишлоқлар турмуш шароитини яхшилаш, ташландиқ ерларни ўзлаштириш, улардан қандай ҳосил олиш ва аҳоли бандлиги устида бош қотира бошлади. У иссиқхоналар қуриб, аҳолига банкдан кредит олиб тарқатиш йўлини танлади. Ван Лэй провинцияларга бориб иссиқхоналар ишини ўрганиб ва ҳозирда “Хитой иссиқхона технологияси”ни яратди. Дастлаб аҳолининг йиллик даромади 100-150 доллар бўлган бўлса, бу кўрсаткич тўрт йил ичида 1 800 АҚШ долларига етди. Тadbиркорнинг тинимсиз изланишлари натижасида ҳозирга келиб 700 000

гектардан зиёд иссиқхоналар халққа даромад келтирляпти. Тилга олинган қишлоқ аҳолисининг йиллик даромади эса 35 000 долларни ташкил қилмоқда.

Лойиҳа асосида Сирдарё вилоятида қурилиши мўлжалланган иссиқхоналарда қулпунай етиштириш ва экспортга йўналтириш катта даромад олиб келиши, бунинг натижасида қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш мумкинлиги аниқланди. Қулпунайни йил ўн икки ой етиштириб, экспортга йўналтириш орқали катта даромад олиш мумкин. Чунки Ўзбекистоннинг 300 кuni қуёшли. Хитой технологияси вилоятнинг энг чекка, шароити оғир, ердан ҳосил етиштириш қийин бўлган худудларида қўл келади.

Иссиқхоналарнинг қулай жиҳати, унда иситиш тизими мавжуд эмас. Яъни, Шарқдан Ғарбга – кун ботиш томонга 14 градус бурилган ҳолда қурилади, шимол томондан нам ўтмас мато қатлами билан қопланади. Кун давомида иссиқхона қуёш энергиясини аккумулятор орқали тўплайди. Кун ботишидан олдин сирт томонига иссиқлик сақловчи кўрпалар ёпилади ва ичкарида иссиқлик бир меъёрда сақланади.

Яна бир эътиборли жиҳати, қурилмалар ер қатламинан 80 сантиметр пастга жойлаштирилади. Яъни, ернинг қиш давридаги музлаш қатламинан 40 сантиметр қуйида бўлади. Иссиқхона ичидаги тупроқ қатлами 14 даража атрофида илқ бўлиши, кун бўйи тўпланган иссиқлик тонг оттунга қадар етиши ҳам ҳисоб-китоб қилинган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Пекин шаҳрида ўтказилган “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форумида иштирок этиши ўтган ҳафтанинг мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Юртбошимизнинг нуфузли анжуманида сўзлаган нутқини юрагида Ватан тараққиётига дахлдорлик хисси жўш уриб турган барча ватандошларимизгина эмас, балки жаҳон ҳамжамияти вакиллари ҳам диққат билан кузатганига гувоҳ бўлдик.

Форум давомида халқаро савдо ва инвестиция алоқаларини мустаҳкамлаш, янги транспорт ва логистика йўлақлари яратилишини рағбатлантириш буйича амалга оширилдиган лойиҳалар хусусида кўп томонлама ва икки томонлама мулоқотлар ҳам ўтказилди. Аслида давлатимиз раҳбари хорижий сафарларга ажратилган вақтнинг

Дилором ФАЙЗИЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси



“Бир макон, бир йўл”: иккинчи халқаро форум муҳим аҳамиятга эга бўлди

ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиши кўпчилик учун янглик бўлмай қолди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, илк бор 2017 йили Хитой ташаббуси билан ўтказилган “Бир макон, бир йўл” халқаро форумида қуруқлик ва денгиз йўлларини ривожлантириш, уларни ўзаро боғлаш орқали давлатлараро ҳамкорлик механизmlарини мустаҳкамлаш масалалари илгари сурилган эди. Ҳозирда мазкур ташаббус Осий, Европа ва Африка қитъаларининг 65 мамлакати томонидан қўллаб-қувватлангани, келгусида унга бошқа давлатларнинг ҳам қўшилиш нияти борлиги глобал иқтисодий макон юзага келаётганидан дарак бермоқда. Бу эса жаҳон миқёсида ҳамжиҳатликда барқарор ривожланишга кучайиб бораётганидан далолатдир.


Бугун барчамиз Хитой ташаббуси билан БМТ, ШҲТ, Европа Иттифоқи, Евроосий иқтисодий иттифоқи каби халқаро ва минтақавий тузилмалар ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси

турли мамлакатларнинг миллий тараққиёт стратегиясига мос келиши жиҳатидан бутун дунёда иқтисодий ривожланишга кенг йўл очиб бераётганини яхши англаймиз. Мазкур форум ишида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, узоқ муддатли тараққиётнинг янги манбаларини излаб топиш борасидаги шериклини фаоллаштириш, “яшил” иқтисодиёт ва инновацияларни илгари суриш, устувор инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Президентимизнинг анжуманидаги нутқи мазмун-моҳиятига эътибор қаратар эканмиз, ҳозирги босқичда юртимизда олиб борилаётган сиёсат негизини ҳам барқарор ривожланишга эришишда халқаро миқёсидаги иқтисодий ҳамкорликнинг нақадар муҳимлигини ва бу масалага халқимиз манфаатлари рўйида қанчалик катта аҳамият қасб этаётганини яна бир бор хис қиламиз.

Ўзбекистонда етакчи сиёсий куч бўлиб келаётган О‘зЛиDeP дастурий вазибалари форум мақсадида ҳамоҳанг эканини айтишимиз

мумкин. Мен бу ерда партияимизнинг танлаган йўли – мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш орқали ижтимоий имкониятларни янада кучайтириш ҳаётий эҳтиёжларимиз ифодаси эканига ургу бераётиман. Шу йилнинг сиёсий аҳамиятидан келиб чиқсак, партиямизнинг сайловолди тadbирларини янада мустаҳкамлашда юртимизда барқарор тараққиёт учун кучли иқтисодий асосларни яратишдек устувор мақсадимизга асос бўладиган аниқ вазибаларни белгилаб олиш вақти келгани аққол аён бўлади. Бунда халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, тараққиётнинг янги манбаларини ўзлаштириш орқали иқтисодий тармоқларини кенгайтириш, бизнес доираларининг салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика ва қурилиш соҳаларида ресурс тежамкор ёндашувлар ва тамойилларни жорий этиш, инновацияларни кенг қўллаш, ички ва ташқи сармояларни жалб қилиш баробарида қулай инвестициявий муҳитни янада такомиллаштиришнинг замонавий механизмларини яратиш давр талаби бўлиб турибди.



Иссиқхоналар томчилатиб сўғориш системаси билан жиҳозланади.

– Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан “Ҳар бир оила – тadbиркор” Давлат дастури буйича ажратилдиган кредитлар юзасидан амалий қўмаклашиши, кредит миқдори 202 миллион сўм бўлиб, 3 йил муддатга, бир йиллик имтиёзли даврга 7 фоиз устамаси билан берилиши қишлоқ аҳолисида катта қизиқиш уйғотди, – деди Ховос тумани Қаҳрамон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахриддин Отабоев. – Қуриладиган иссиқхоналар қийматининг 80 фоизи ажратилдиган кредитнинг

таъминоти сифатида гаровга олиниши, қолган қисмига таъминот сифатида Тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кафолат хати тақдим қилиниши ҳам жуда катта имконият яратиб беради.

Иссиқхона ташкил этиш ижтимоий лойиҳасини амалга ошириш доирасидаги тақдимот йиғилишлари Мирзаобод туманининг “Йўлдош-обод”, “Баҳористон” МФЙларда ҳам бўлиб ўтди. Тadbирлар қизгин савол-жавоблар, турли мунозаралар билан кечди.

Дилором ЭСОНОВА,
O‘zLiDeP Сирдарё вилояти
Кенгаши масъул ходими

Шу кунларга шукрона айтинг!

9 май – Хотира ва қадрлаш куни



Абадиятга дахлдор жасорат

O'zLiDeP Тошкент шаҳри ва Олмазор туман кенгаши раиси ва унинг раҳбарлари, ҳамкорлари ва оила аъзолари билан 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб “Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият” шiori остида маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Чустий ва Чигатой дарвоза маҳаллалари аҳолиси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар, нуруний отахон ва онахонлар, депутатлар, партия фа-

оллари иштирок этди. Уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ўша машъум даврда ота-боболаримиз кўрсатган матонат, уларнинг буқилмас иродаси, жасорати ҳақида сўзлаб беришди. Бугунги тинч-осойишта кунларга осонликча эришилмагани, мустақилликни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Муроджон УРИНОВ,
O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби
Солижон ЗОИРОВ олган сурат.

Эсимда. Ўқувчилик пайтларимиз 9 май куни нонушта қилиб, мактабга отланар эканмиз, онам қўлимизга бир кучоқ гулдаста турарди. Ховлимиздаги атиргул ва райхонлардан сараланган ажойиб гулдаста! Сўнг ҳамқишлоқларимиздан Иккинчи жаҳон уруши ва Афғонистондаги жангларда қатнашганларнинг исmlарини айтиб, уларни бир-бир табриклашимизни тайинлардилар.

Ака-опаларимизга эргашиб, айтилган уйлارга бирма-бир кириб, қаҳрамонларимизни қутлар эканмиз, уларнинг кўзларидаги қувончни кўриб, ўзимиз ҳам суюниб кетардик. Шу кун уларга қўшилиб оила аъзоларининг қалби ҳам қувончга тўларди. Ҳатто бир гал бир оёғини урушда қолдириб келган бобонинг қўлтиктаёқсиз бизга ошиқанини кўриб ҳайрон қолганман. Ахир, қадрлашни, заҳматларига муносиб қадр топиш инсон учун жудаям ёқимли туйғу.

Ўшанда уларнинг ҳар бири бизларни узундан-узоқ дуо қилар, жимгина қолиб, хаёлан жангоҳга қайтиб, бошдан ўтказганларини сўйлаб беришар ва бугунги кунга етганлари учун шукр қилишарди. Мактабга янада бошқача қадам ва иштиёқ билан йўл олардик.

Бундай йўқловларимиз нафақат шу кунда, балки йил давомида ҳам тақдорланиб турарди: биринчи гилос пишганида “ҳосил боши” дея мевани қозғоҳ халталарга жойлаб, улашиб келардик. Яна, қулундай, бодринг, помидорнинг ҳам энг сараларини уларга илинардик. Сабабини сўрасак, онам: “Улар бўлмаганида ҳовлимизда шун-

дай гулу гиёҳ ўсмаган, боғ ўрнида тақир ер бўлган бўларди”, деб жавоб қайтаргани эсимда. Бу гапларимга кимдир ишониши, кимдир ишонмаслиги мумкин. Ўша пайт ўзим ҳам ҳайрон қолардим бола қалбим билан. Энди билсам, муштипаримиз бизга катта сабоқ берган экан: инсонларни қадрлаш, дилларга қувонч улашиб, яхшилик қилиш, ўргатиш, ўзгалар хурсандчилигини кўра олиш ва бундан завқланиш...

Бу одатлар ёқаниданми, талабалигимда пойтахтдан туриб, энг сўнгги пулим қолган бўлса-да, ўша “ветеран” боболаримизни вилоятлараро сўзлашув алоқаси орқали табриқлардим. Гўшақдан яна ўша узундан-узун дуолар, қирғинбарот уруши қаргаганларини... У пайтлари кишлоқларда фақат колхоз райси ва уруш қатнашчиларининг уйларида телефон бўларди, холос. Бирам суюнишардик, бирам суюнардимки...

Хотираларга беришимиз бежиз эмас. Президентимизнинг шу йил 23 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ва “Хотира ва қадр-

лаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан танишар эканман, беихтиёр ўша кунлар эсимга тушди.

Тасаввур қилинг, машъум талотумда 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонлик қатнашиб, ярим миллиондан зиёда ҳалок бўлган. Бағрикенг халқимиз фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охириги бир бурда нонини ҳам баҳам кўрган.

Бундай жасорат ва мардликларни қадрламай бўладими? Шу боис Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига, фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга, қолаверса, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига давлатимиз томонидан муқофотлар топшириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш аънаёнага айланган улгурган.

Ўқоридаги ҳужжатларга биноан бу йил ўша аъна “Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият”, “Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч” шiorлари остида янада кўтаринки тарзда давом эттирилади. Тегишли вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қисмлар вакиллари биргаликда ўшбу тоифадаги шахсларни қўллаш мақсадида уларнинг яшаш жойига боришади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7 500 000

сўм миқдорда бирийўла пул муқофоти берилади. Елғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг турар жойи ва уй хўжаликлари таъмирланиб, ободонлаштирилади. Айни пайтда юртимиз тонлик қатнашиб, ярим миллиондан зиёда ҳалок бўлган. Бағрикенг халқимиз фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охириги бир бурда нонини ҳам баҳам кўрган.

Бундай жасорат ва мардликларни қадрламай бўладими? Шу боис Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига, фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга, қолаверса, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига давлатимиз томонидан муқофотлар топшириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш аънаёнага айланган улгурган.

Ўқоридаги ҳужжатларга биноан бу йил ўша аъна “Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият”, “Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч” шiorлари остида янада кўтаринки тарзда давом эттирилади. Тегишли вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қисмлар вакиллари биргаликда ўшбу тоифадаги шахсларни қўллаш мақсадида уларнинг яшаш жойига боришади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7 500 000

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI as” мухбири

O'zLiDeP ташаббуси

Депутат ва ҳаёт

Экспорт муаммолари: имконият ҳам, шароит ҳам етарли, фақат...

“Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, логистика ҳамда экспортини ташкил қилишнинг долзарб вазифа ва истиқболлари” мавзuida ўтган республика илмий-амалий конференциясида шу ҳақда сўз юритилди

Конференция O'zLiDeP Сийсий Кенгаши Ижрония қўмитаси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорка ер эгалари кенгаши ҳамда Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда қишлоқ хўжалиги, инвестиция ва ташқи савдо вазирликлари, депутатлар, давлат ва хўжалик бошқарув органлари, олимлар, тадқиқотчи-ишланувчилар, фермерлар, агрокластерлар, хусусий корхоналар, тадбиркорлар ҳамда чет эл капитали иштирокидаги корхоналар ва соҳага алоқадор бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбир мобайнида “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастурида ҳамда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, шу жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, чқур қайта ишлаш, логистика ва экс-

портини ривожлантириш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларни изчил амалга оширишда мавжуд илмий ва амалий имкониятларни кенг жалб этиш орқали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Маълумки, иқтисодиётимизнинг муҳим бўғини ҳисобланмиш мева-сабзавотчилик соҳаси юртимизда хусусий сектор ривожланишининг асосий тўрт йўналишидан биридир. Экспортбop мева ва узум маҳсулотлари етиштириш учун тоғ, тоғолди, адирилик ва лалми ерлар ўзлаштирилиб, интенсификация ва тоқзорлар барпо этилапти, уларни томчилатиб сўғориш усулига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Интенсив ва инновацион қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли чоралар қўрилиши натижасида бугунги кунда республика бўйича жами 44 минг гектар интенсификация, 2,5 минг гектар ёнқозорлар барпо этилди.

Жорий йилда қарийб 20 мингга яқин фермер хўжалиқларида 21 мингдан зиёд лойиҳалар амалга оширилиши, уларда қўшимча ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Хусусан, кўп тармоқли фермер хўжалиқлари



томонидан 6,4 минг гектар майдонда интенсификация, 4,7 минг гектар майдонда янги тоқзор ва 950 гектар ер майдонда иссиқхоналар барпо этилади.

Конференция қатнашчилари бу каби ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш борасида жиддий камчиликлар кўзга ташланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили 20 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, атиги учдан бир қисмигина экспорт қилинмоқда. Яъни, маҳсулотнинг аксарият қисми обдон қайта ишланмасдан қолимоқда. Бу эса соҳада қўшимча қиймат занжирини яратиш вазифасига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Алоҳида ажратилган шўъбаларда эса мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, логистика ва экспортини янада ривожлантириш, шунингдек, маҳсулотларни сертификатлаш, янги стандартлар, инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича жиддий фикр-мулоҳазалар, аниқ таклифлар билдириб ўтилди.

Конференцияда қишлоқ хўжали-

гини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва четта сотиш жараёнларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда соҳага алоқадор барча вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлиқда фаол иштирок этиши таъкидланди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида кластерлар ташкил қилиниши ҳар томонлама рағбатлантириш, хорижий тажрибаларни чқур ўрганган ҳолда аграр тадбиркорлигининг илгор шакллари жорий этиш, қишлоқ хўжалигида ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларини кенг қўллаш, органик маҳсулотларни етиштириш, халқаро стандартларни жорий қилиш, “ақли қишлоқ хўжалиги” лойиҳаларини амалга ошириш борасида тизимли йўналишлар белгилаб олинди.

Конференция якунида ҳамкор ташкилотлар ўртасида муҳокама қилинган масалалар, билдирилган таклифлар ижросини ўз вақтида таъминлашга қаратилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум тузишга келишилди.

Солижон ЗОИРОВ,
“XXI as” мухбири
Суратларни муаллиф олган.



Мактабга компьютер ва китоблар совға қилинди

O'zLiDeP Бухоро шаҳар Кенгаши ташаббуси билан 30-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси, Хўжа Мушқин маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирокида Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик турруҳи аъзоси Тоҳир Баҳромов билан очик мулоқот ўтказилди.

Тадбирда Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи чоғида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда санат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни ривожлантириш юзасидан амалга оширилиши кўзда тутилган бунёдкорлик лойиҳалари халқ фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди.

Учрашувда Пиридастур кўчасида турувчи Карима Ражабова неварасининг ҳанузгача муқим яшаш жойига эга эмаслигини маълум қилиб, сенатордан ёрдам сўраб мурожаат этган бўл-

са, Ойгул Ҳақимова маҳалладаги айрим бинолар ертўласи санитария талабларига мутлақо жавоб бермаслиги, коммунал хўжалик мутасаддилари эса бу муаммони ечмаётганини айтди.

Учрашувда мактаб ўқувчиларига янги нашр этилган китоблар, сўнгги русумдаги компьютер жамламаси тақдим қилинди. Ёш китобсеварлардан Бегимой Насриддинова, Азиза Ҳикматова, Нуршода Абдусаломова, Мафтуна Зубайдуллаева сингари ўқувчилар кутубхона фонди бойитилгани учун партия фаолларига миннатдорлик билдирди.

Мактаб директори Ирина Котова, маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосар Гулнора Умарова ва бошқалар таълим-тарбия қаратилган бундай эътибор албатта самара бериши, мустақил давлатимиз яқин келажақда ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига ишонишларини таъкидладилар.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI as” мухбири



Очиқ мулоқот



Тадбиркорлик қиламан деганларни алдаманг!

Сайхунбод тумани ҳокимлигида "Ҳар бир оила – тадбиркор" давлат дастури доирасида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Тадбирда тижорат банклари мутасаддилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари, тадбиркорликни бошлаш ниятида бўлган ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Бугунги тадбирни ўтказишдан асосий мақсад тадбиркорликни бошламоқчи бўлган аҳолига яқиндан кўмак бериш, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишига ёрдамлашиш ҳамда кредит маблағларини олишда юзага келиши мумкин бўлган турли тўсиқларни олдидан бартараф этишдан иборат, – деди туман ҳокими Ботир Мирзақулов. – Бунинг учун эса барча мутасадди идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз лозим.

Туман ҳокимининг таъкидлашича, шу кунгача кам таъминланган оилалардан бор-йўғи 15 нафари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан 23 нафарига кредитлар ажратилган, ҳолос.

Худудимиздаги 97 та оила кредит олиб ўз тадбиркорлигини бошлаш истагини билдиргани, – дейди Нуробод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳайитали Исмаилов. – Бу борада зарур ҳужжатлар тайёрланиб банкка тақдим этилганига қарамай, уларнинг атиги 12 нафарининг талаби "Асакабанк" вилоят филиали томонидан молиялаштирилиб берилди. Қолган фуқароларнинг мурожаатлари эса ҳар хил баҳоналар билан пайсалга солиб келинмоқда.

Оиламиз билан асарларчилик, савдо-сотиқ, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланамиз, – деди Бахтиёр Тоғаев. – Энди тикув цехи очиб, хотин-қизлар учун юзга яқин янги иш ўрни яратиш ниятидаман.

Бахтиёр Тоғаевнинг мурожаати шу эрининг ўзида амалий ечим топди. Сайхунбод сановат касб-хунар коллежидаги 50 та замонавий тикув

дастгоҳи тадбиркорнинг ихтиёрига берилгани билдирилди.

Хонсулов Мусуровнинг асли касби шифокор. Тумандаги 19-оилавий поликлиникада умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлабди.

Чорвачилик билан шуғулланиш мақсадида "Агробанк" туман филиалига 30 миллион сўм кредит беришларини сўраб қилган мурожаатини турли баҳоналар билан ортга сурилмоқда, – дейди у. – Чорвачиликни бемалол йўлга қўйиш имконияти ҳам бор, бу борада муайян тажрибага ҳам эгаман.

Тадбирда берилган саволларга тегишли банк ходимлари атрофлича жавоб қайтаришди. Қўтарилган муаммоларнинг ҳал этилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишга яқун ясаган O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши аппарат раҳбари Фахриддин Абдусатторов мазкур тадбирнинг ўзига хос самара ва натижа беришига ишонч билдирди.

Партия ташаббуси билан "Ҳар бир оила – тадбиркор" давлат дастури доирасида банклар мутасаддилари иштирокида ўтказилаётган мулоқотлардан яна бири Сирдарё туманида ташкил этилди.

Тадбирда сўз олган Жалил Мирзабоев иссиқхонасини кенгайтириш, Барно Сулаймонова нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ташкил қилиш, Бурхон Мирзахолов кўенчилик билан шуғулланиш, Жума Туропов ўзи истиқомат қилаётган "Ҳикматли" маҳалласи худудидида ҳаммом қуриш истагини билдирди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудири Самидулло Маҳмудов ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиши ва партия томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маълум қилди.

Дилором ЭСОНОВА,
O'zLiDeP Сирдарё вилоят
Кенгаши масъул ходими

Янги авлод кадрлари

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиалида партия фаоллари талабалар билан амалий мулоқот ўтказди. O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Мир Рўзметов ёшларга сиёсий кучнинг дастурий мақсад-вазифалари, худудий бўлимлар фаолияти бўйича атрофлича маълумот берди.



Сафимиз яна кенгайди

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида билдирилган жўяли мулоҳазалар маъқул бўлди, – дейди Баҳром Божонов. – Кўенчиликка қизиқаман. Шунинг учун ҳам учрашувда берилган тавсиялар асосида ўз бизнесини йўлга қўйиш ниятидаман. Бунда партия "Ёшлар қаноти" вакили Азамат Аннахасанов амалий кўмаклашадиган бўлди.

Эртанги кун эгаларини ҳар томонлама билмли, ижтимоий-сиёсий баҳо-мунозараларда фикрларини эркин билдира оладиган қилиб чиқариш зарур. Дунёқароши кенг ҳар бир ёш келажакда Ватан тақдири учун албатта масъулиятни ҳис қилади, – дейди Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати Дилором Ата-

ева. – Бугунги тадбирда айнан шундай талабаларнинг 15 нафарини партиямизга қабул қилиб, кадрлар захирасига олдик.

Партия вилоят Кенгаши воҳада ўсиб келаётган ўғил-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада юксалтиришга қаратилган кўплаб тадбирлар, илмий-амалий учрашувлар, семинар-тренинглари ўтказиб келмоқда. "Янги авлод кадрлари" лойиҳаси доирасидаги амалий мулоқот ҳам ушбу ишларнинг биридир.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
O'zLiDeP Хоразм вилоят
Кенгаши матбуот котиби

Танловда танилаётганлар

O'zLiDeP "Аёллар қаноти" томонидан ўтказилаётган "Ишбилармон аёл" кўрик-танлови мамлакат иқтисодини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган хотин-қизларни кашф этмоқда. Ўтган йилларда мазкур танловда иштирок этиб, тадбиркорлик кўникмасини оширган юзлаб кашақадарлик опа-сингиллар таникли тадбиркор ва фермерлар сафидан ўрин олиб улгуришди.

Кўрик-танловнинг Яққабог туман босқичида голибликни қўлга киритган Шоира Ҳайдарова тадбиркорликни тикувчиликдан бошлаган. Икки шогирди билан маҳалладошларига кийим-кечак тикиб берар эди. Кейинчалик кредит эвазига тикув машиналари сотиб олиб, цех ташкил қилди, гўзаллик салонини ишга туширди. Новвойхона ва тўйхона очди. Савдо-сотиқни ҳам ривожлантириб, олган даромадини каттароқ лойиҳага сарфлаш мақсадида тинимсиз изланди. Банкдан молиявий кўмак олгач, вилоят марказида кардиология маркази ва маҳалласида хусусий мактабгача нодавлат таълим муассасаси курди. Айни пайтда унинг "Шоира Шуқуровна" хусусий корхонасида 45 нафар ёш иш билан таъминланган. Танловда яққабоглик ишбилармон аёллардан "Турдиев Достон Ғайратович" фермер хўжалиги раҳбари Гулшан Бердиева, тадбиркор қиз Мохичеҳра Бахтиёрованинг фаолияти ҳам алоҳида эътироф этилди. Беллашув жараёнида туман ва шаҳарларда миллий хунармандчилик, фермерлик ва маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатган, аҳолини иш билан таъминлашда барчага ибрат бўлаётган илғор ва ташаббускор хотин-қизлар саралаб олинаётди.

"Ривож текстиль" оилавий корхонаси раҳбари Лобар Қурбоновага танловнинг Косон туман босқичида тенг келадиган рақиб топилмади. Унинг оилавий корхонаси 2009 йили ташкил этилган бўлиб, буюртма асосида ишлар эди. Аста-секинлик билан даромадида тикув машинала-

ри харид қилиб, хунар ўргатиш маркази очди. Ўтган йил охирида тадбиркор қизга "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастурига кўра банкдан 150 миллион сўм кредит ажратилди. Хитойдан 37 та энг сўнгги русумдаги тикув машинаси келтирилиб, 60 га яқин миллий ва замонавий либослар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирда корхонада тайёрланаётган 70 дан ортиқ турдаги маҳсулотнинг асосий қисмини Қозғистон, Тожикистон ва Россияга экспорт қилиш юзасидан шартномалар имзоланди.

Косонда "Хурнисо чевар"га буюртма бермаган хотин-қизни топиш қийин. Хурнисо Очилова туманда биринчилардан бўлиб тикув цехи ташкил этган. Ўқув марказида хунар ўрганган юзлаб хотин-қизлар ҳозирда мустақил фаолият олиб боришмоқда. Айни пайтда бу ерда 35 нафар аёл иш билан банд.

Қамашилиқ Дилором Салаева ерга меҳр қўйган, тиниб-тинчимас. "Дилором Эшқобиловна" фермер хўжалиги тасарруфида 119 гектар ер бўлиб, 14 гектар богдаги мевали дарахтлар ҳосилга кирган. "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг туман босқичи биринчи ўрин соҳибининг орзулари бисёр. 1,5 миллиард сўм сармоя олиб, маҳаллада мини-футбол майдончаси, хусусий мактабгача таълим муассасаси, автосервис, тўйхонани ишга тушириш борасида тинимсиз изланмоқда. Лойиҳалари амалга таъбиқ этилган, ишчилари сони ўттиздан ошди.

– Корхонамиз 2016 йили ташкил этилган, – дейди Қамаши туманидаги "Турсу-

нов Муҳаммадали Тўлқинович" масъулияти чекланган жамияти раиси Соҳида Умарова. – Дастлаб 6 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган эдим. Икки йилдан сўнг 94 миллион сўм кредит олиб, Хитойда ишлаб чиқарилган 12 донга тикув машинаси келтириб ўрнатдим. Айни пайтда 30 дан ортиқ хотин-қиз мен билан бирга ишламоқда. Корхонамиз тасарруфида новвойхона, автомобилларга хизмат кўрсатиш цехи ва савдо дўконлари ишлаб турибди. "Урганч – Бахмал" тикув фабрикаси билан ўқувчиларга мактаб формаси тайёрлаш учун шартнома имзоландим. Қамаши туманидаги мактаб ўқувчилари учун ҳам 100 мингта мактаб формаси тикиб бериш учун ҳамкорлигимиз бор. Келгусида яна 30 нафар ёшга янги иш ўринлари яратиш учун 2 та янги лойиҳани амалга ошираман.

Кўрик-танловнинг туман-шаҳар босқичлари иштирокчилари сони йил сайин кўпайиб бораётди, – дейди O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Гулбаҳор Тўраева. – Баҳолаш жараёнида хотин-қизларнинг инновацион ғоя ва технологияларни маҳаллий ишлаб чиқаришга жорий этиш, корхона экспорт салоҳиятини ошириш, кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва доимий иш ўринлари яратишдаги фаоллиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари эътиборга олинмоқда. Ана шундай ташаббусларга эга тадбиркор ва фермер аёллар "Йилнинг муруватли ишбилармон аёли", "Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл", "Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл" ва "Энг ёш, фаол тадбиркор аёл" номинациялари бўйича тақдирланди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Янги работда 21 нафар янги аъзо

Ғиждувон туманидаги Янги работ қишлоғи "Обод қишлоқ" давлат дастури ижроси асосида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари боис янги қиёфа касб этмоқда. 4 360 киши истиқомат қилаётган худудда 775 та хонадон бўлиб, аҳолининг аксарияти тадбиркорликнинг қатор йўналишлари, жумладан, бугун кенг қулоч ёйиб бораётган томорқачилик бизнеси билан банд. Кун сайин чирой очётган қишлоқ кўчаларини кезсангиз, белгиланган режалар бирма-бир амалга оширилаётганига амин бўласиз.

Шу йил давомида худуддаги 21-мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш, 43-умумий ўрта таълим мактаби ҳамда "Зарафшон" қишлоқ врачлик пунктини мукаммал таъмирлаш, тоза ичимлик суви қувурларини тортиш қўзда тутилган. Бу борадаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Ғиждувон политехника касб-хунар коллежида маҳаллий кенгаш депутатлари, O'zLiDeP масъул ходимлари, қишлоқ аҳолиси

иштирокида ўтказилган учрашувда ана шулар хусусида батафсил сўз юритилди. Тинловчилар диққат-эътибори давлат дастурларининг худуддаги ижроси ҳамда партиянинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда туманда амалга оширилган ишларга қаратилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Замира Сафарова, O'zLiDeP вилоят Кенгаши мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири Юлдуз Каримова, партия туман Кенгаши аппарати раҳбари Ғолиб Пўлатов Янги работдаги ўзгаришлар аҳолининг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашни таъкидлади.

Тадбир доирасида O'zLiDeP дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга ҳисса қўйиш истагида бўлган маслақдошлардан 21 нафари партия аъзоллигига қабул қилинди.

Асхор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

Маҳорат сабоқлари

O'zLiDeP Янгийўл шаҳар Кенгаши томонидан умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув-семинари ташкил этилди. Маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, "Ёшлар қаноти" фаоллари, тажрибали ишбилармонлар қатнашган тадбир банк кредитларини расмийлаштириш тартиби ҳамда бошловчи тадбиркорларга яратилган солиқ имтиёзлари хусусида атрофлича маълумот берилди.

Ўқув-семинар давомида мамлакатимизда ёшларнинг хунармандчилик, касаначилик йўналишидаги оилавий бизнесини очиш истаги ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, "Yoshlar

– kelajagimiz", "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурлари доирасида яратилаётган имкониятлар ҳақида қизиқarli савол-жавоблар бўлди.

– Дастлаб икки ишчи билан фаолият бошлаган эдик, – деди Янгийўл шаҳридаги "Сабина Назар Кутюр" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сабина Абдуназарова. – Ҳозир ходимлар сони қирқдан ошди. Лойиҳаларимизни ҳаётга таъбиқ этишда O'zLiDeP вакиллари яқиндан кўмак бериб келяпти.

Шу кунги, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган ёшлар учун маҳорат дарслари ҳам ўтказилди.

Ахор ТҮЙЧИЕВ,
O'zLiDeP Тошкент вилоят
Кенгаши матбуот котиби

Жиддий синов арафасида

Маълумки, аҳоли ўртасида дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиб, ғоявий-сиёсий ишларни талаблар даражасида ташкил эта олган партиянинг номзодларигина сайловчилар ишончини қозона олади. Бунинг учун эса, аввало, сиёсий кучнинг таянч нуқтаси дея эътироф этиладиган куйи бўғинлар иштини янада жонлантириш, депутатлар ва фаоллар масъулиятини ошириш талаб этилади.

Эл орасида хурмат-эътиборга лойиқ инсонларни партия сафларига жалб қилиш тарғибот ишларини кучайтиради. Шу билан биргаликда сиёсий фаол ва ташкилотчи ёшлар партиянинг позициясини тарғиб қилишда ўрнат бўла олади. Бу ташаббускорлик партия аъзоларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини нафақат орасига чуқурроқ кириб боришга эришиб, амалий ишлар билан бошқаларга ўрнат бўлган ҳолда сафларимизни ёш тадбиркор ва фермерлар ҳисобига кенгайтиришга интиляпти. Тарғибот ишларининг кучайиши эса сайловларда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Нафақат Қашқадарёда, балки мамлакатимизда ягона саналган, 1 700 нафардан ортқ партиядошларни ўз сафларида бирлаштирган бошланғич ташкилотимиз томонидан амалга оширилган сиёсий-тарбиявий ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Мажмуамизда 25 та цех мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида партия ташкилотчилари фаолият кўрсатишаётир. Илғор ва ташаббускор ёшлардан иборат либерал-демократлар ҳар жабҳада ҳамкасбларига намуна бўлиб келмоқда. Улар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, замонавийлаштириш, махсулот сифатини яхшилаш, янги технологияларни жорий этиш борасида янги-янги тақлифлар билан чиқиб, кўпчиликнинг ишончини қозонмоқда. Қорхонада амалга оширилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, маънавий-маърифий ишларда ҳам бошланғич ташкилотимиз бош-қош. Партия фаоллари иштирокидаги йиғилишларда эса мажмуамиз директори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Шухрат Асланов оилавий тадбиркорликни ривожлан-

тириш, уюлмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, одамларнинг интеллектуал қобилиятини ишга солиш, жойлардаги ички имкониятлардан самарали фойдаланиш борасида тақлифларини билдириб келмоқда. БПТимиз кўмагида ўнлаб тадбиркорларнинг муаммолари ўрганилиб деярли барчаси ижобий ҳал этилди. 300 га яқин партия аъзоларига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида мажмуа кафиллигида банклардан кредит олиб берилиб, улар чорвачилик, паррандачилик, қўнчилик билан шуғулланмоқда. Маслақдошларимиз ижтимоий муаммоларни ҳозиржавоблик билан ҳал этиб, эл манфаати йўлидаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшишяпти. Ишчи-ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, меҳнат шaroитларини янада яхшилашда яқин кўмакчи бўлмоқда. Бўлиб ўтган йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларни соғлом ва бақувват бўлиб улғайишлари учун спорт тўғрисидаги кўпайитириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, ёшларни тадбиркорликка йўналтириш борасида бир қатор амалий тақлифлар ўртага ташланиб, O'zLiDeP туман Кенгашига юборилди. Деҳқонбод, Ғузур туманлари ва Қарши шаҳрида партияимиз дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилаётганимиз боис сафларимиз

кенгаймоқда. Партия фаоллари ўзи истиқомат қилаётган маҳалла ва қишлоқларда ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни ошириш, аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат сифатини яхшилаш борасида тақлифларини билдиришяпти. Лалмикор майдонларда узумчилик, полиз, беда уруғи етиштириш, чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланадиган оилавий тадбиркорларга микрокредитлар олишда яқиндан кўмаклашдик. Мажмуага қарашли шаҳарчада асосан ёшлар истиқомат қилишади. Улар иштирокида турли мавзуларда тадбирлар ташкил этиляпти. Ҳар ҳафтада ёшларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мавзусида савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Унда аёлларнинг меҳнат шaroитларини янада яхшилаш, саломатликларини тиклашлари учун сиҳаттоҳларга йўлланмалар бериш, хусусий мактабгача таълим муассасалари барпо этиш юзасидан мулоҳазалар билдирилди. Дарҳақиқат, ҳамжихатлик, сиёсий фаоллик партиядошларимизни янги-янги меҳнат зафарлари сари ундайтир. Ёш маҳаллий кадрларга таълим ва тарбиялаш мутахассисларга бириктириб, соҳанинг етуқ билимдонларини тайёрлаш вазифаси ҳам бошланғич ташкилот зиммасига юклатилган. Ёшларнинг билим ва малакасини ошириш учун дунёнинг энг йирик нефть-газ компаниялари ва академияларига ўқиш ва иш ўрганишга юборилаяпти. Бугун қорхо-



Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам ютуқ ва камчиликларимиз таҳлил этилиб, партия ишига жиддийроқ ёндашиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Яқинлашиб келаётган сайловларни юксак уюшқоқлик ва кўтаринки кайфиятда ўтказиш, партияимиздан кўрсатилган муносиб номзодларни қўллаб-қувватлаш борасида тарғибот ишларини юқори савияда ташкил этиш борасида тақлифлар ишлаб чиқиди ҳамда бошланғич ташкилотимизнинг "Фаол иштирокидаги партия доирасида амалга оширадиган тадбирлар режасини тасдиқлаб олди. Шухрат УВАТОВ, "Шуртангазимё" мажмуаси бошланғич партия ташкилоти раиси

Долзарб мавзу

Муаммонинг илдиизи виждонда, иймонда

Мамлакатимизда бугун оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ёшлар сиёсати давлатимиз ижтимоий сиёсати асосини ташкил қилаётган. Бу борада қатор ишлар амалга оширилаётганига қарамай, ўтказилаётган сайёр қабуллар, тарғибот тадбирларида аксар ҳолларда ўз вақтида ечимни топилаётган муаммолар ўртага ташланипти.

Эри дадаси билан келишолмайди. Уй қайнота номида. Қайнота келини сиғирмайди. Эр-хотин бошқа-бошқа яшайди... Олтинқўллик Хурсандбек Солиев хонадонда ҳам шу аҳвол. Фақат қайнота эмас қайнона роль ўйнайпти. Уч йилдан буён келин шўрлик икки фарзанди билан сарсон. Қайнона ҳайдаш-қўймайди, келин оиласини сақлаб қолиш учун ялинишни...

ва масъулиятсизликдан – бошқа яна қандай бахона билан изоҳлаш мумкин? Масалан, Жалақудуқ туманининг Ҳамзабод маҳалласида яшовчи Хуршида Сотволдиева Хўжабод туманига турмушга чиққан. Бироқ 4 фарзандли бўлганда уйдагиларга ёқмай қолганмиш. Тўрт қоракўзни кўзи қияверганлар уни ҳайдаб юборишган. Ҳовли жой қанотасига тегишли. Бечора келин тўрт бола билан ота уйга сиғармиди? У ерда ҳам келинлар бор, ахир! Судга мурожаат қилди. 2017 йил суд томонидан уни уйга киритиб қўйиш бўйича қарор чиқарилган. Аммо бетайин ва суботсиз эрнинг апелляция тартибидеги аризасига

қилиб ўтирган қайнона-қайнота, ҳатто бу каби ишларга хотин-қизлар қўмиталаридан тортиб, маҳалла мутасаддилари-ю жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакилларигача чала етимлар тақдирини етарли даражада эътибор қаратаётгани йўқ. Бугун сарҳисоб этилган 1 минг 56 та ажралиб кетган оиланинг 441 таси (41,7 фоиз)ни 30 ёшгача бўлган ёш оилалар ташкил қилаётганига нима дейсиз? Аслида бунга ҳали мустақил ҳаёт, оила, рўзгор нима эканлигини тўлиқ билмайдиган, фарзанд тарбияси ва парваршига, уй-жой учун маблағ топиш нимага тушунмайдиган, уқуви ва имконияти етарли бўлмаганларнинг бошини қовуштириб қўяётганлар айбдор эмасми?!

Саховат



Профессорга ўхшасак қанийди

Самарқандлик математик олим, профессор, O'zLiDeP фаоли Пирназар Давронов мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ташаббускор хайрихоҳларидан бири ҳисобланади.

Савобталаб инсоннинг ўзи таваллуд топган Нуробод туманидаги Жом қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида қилаётган хайри ишлари ҳақида кўпчилик эшитган. Яқинда бу қадим қишлоқда қарийб ўн йилдан бери деярли танаффуссиз ўтказиб келинаётган "Профессор Давронов издошлари" номи остида ўзига хос олимпиаданинг навабдагиси ўтказилди. Унда ҳудуддаги 14 та мактабдан 235 нафар иқтидорли ўқувчилар иштирок этди. Бу синода партияимиз фаолининг шахсий жамғармасидан 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган 30 нафар иқтидорли ўқувчиларнинг ҳар бирига 100 000 сўмдан, жами тўрт миллион сўм пул муқофоти ва сертификатлар тақдим этилди. Худойимга шукр, ўзимга тўқман, камим йўқ. Фарзандларимнинг барчасини уйли-жойли қилганман. Ҳаммаси ўзига тўқ яшайди. Катта кизим Лолахон олий тоифали шифокор. Иккинчи кизим Юлдузхон эса иқтисод ва фалсафа фанлари доктори, ўғлим Хусанжон олий тоифали юрист, қизларим Фотимахон ва Зебохонлар чет тилидан дарс беради. Узимдан ортган маърифати эртаимиз эгалари бўлган илми иқтидорли ёшларга сарфлаш менга завқ бағишлайди, – дейди Пирназар Давронов. 2015 йил 155 нафар истеъдодли ўқувчидан 39 нафари, 2016 йилда 289 нафардан 71 нафари рағбатлантирилган. Уша йили профессор ўзининг шахсий "Нексия" автомашинасини сотиб, голиб деб топилган ёшларга сал кам ўн миллион сўмни муқофот сифатида ҳадя қилган эди. Бу йилги синодада қатнашган нурободлик ўғил-қизларнинг руҳи баланд ва уларнинг аксарияти улғайгач, бу саховатпеша ҳамюртларининг ташаббусини тўла қўллаб-қувватлашига шубҳамиз йўқ.

Жорий йил 29 апрель куни бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят кенгашининг оилаларни мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган масалаларга бағишланган навбатдан ташқари сессиясида ҳам айни шундай оғрикли масалалар юзага чиқди. Бундан аввалроқ, яъни 7 февраль кунги сессияда ҳам худди шу муаммо кун тартибига кўтарилган эди. Худудларда ўтказилган сессиялар муҳокамасидан сўнг шу кунга қадар 160 та оиланинг ажрим ҳолатлари кўриб чиқилиб, 114 таси яраштирилибди. Катта иш қилинган, тўғрими? Хўш, вазият шунча қалтис, масала шунча долзарб ва шунга яраша вазифалар ҳам масъулият талаб этаётганига қарамай, нима учун ижобий натижалар кўпроқ қайд этилмаётган? Шунинг учун ҳам сессияга айнан вилоят фаоллари, аҳоли қатламлари билан бирга арзимас сабаблар билан ажрим ёқасида турган ва оқибатда бошланғич қолган оилалар вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, имомлар, мутахассислар тақлиф этилди-да!

Яххиси, рақамларга юзланамиз: 2019 йилнинг биринчи чораги давомида 1 минг 56 та оила ниқоҳи бекор қилинган. Утган йилнинг шу даврига нисбатан қиёсланганда, 186 та, яъни 17,6 фоиз кўп. Оилавий ажримлар Андижон шаҳрида охиб бораётганини таъкидлаш керак. Улғунор, Хўжабод, Пахтабод, Бўз, Қўргонтепа туманларида кўрсаткичлар ачинарли аҳволда. Ажралишларнинг 65 фоизи оилавий келишмовчиликлар оқибатида рўй бермоқда. Бунда учинчи шахс аралашуви катта муаммоларга сабаб бўлаётгани янада афсусланарли. Яраштирув комиссиялари қаёққа қараётган?

фарзанди билан кўчада қолаётган келин бечорага ёрдам берадиган одам йўқ... Ана сизга ҳаётий мисоллар... Ажримлар таҳлил қилинганда, маҳаллалардаги Яраштирув комиссиялари фаолияти қониқарли бўлмаётгани ойдинлашди. Хўжақўрсинга ишлаётган комиссияларни оила, сарсон фарзандлар тақдирини қизиқтирмаслиги юзаси чиқарилаётган хулосаларда аён. Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан эса бу муаммо "оддий иш кундида кўриладиган оддий иш" деб қарор чиқарилаётгани янада ачинарли. Натижа эса вилоят бўйича ўтган чоракда 648 нафар вояга етмаган боланинг чала етимга, қалби ўксикка айланганидир. Таассуфки, бу борада яна Андижон шаҳри (105 нафар), Қўргонтепа (46 нафар), Марҳамат (40 нафар), Жалақудуқ (43 нафар), Шахрихон (43 нафар) туманлари кўрсаткичлари юқори.

қўра қарор бекор қилинган. Қаранги, ўз болалари тақдирини сарсонгарчиликка маҳкум этаётган ота, яна мағрур бош кўтариб юрибди. "Қўлингдан нима келадими?" дегандай собақ аёлига ўқрайди... Айни пайтда Х. Сотволдиева ота-онанинг 6 сотихли ҳовлисида 3 та хўжалик билан, уларнинг қош-қовоғига кўчиб яшашга мажбур. Яна бир аянчли тақдир. Андижон туманининг Зангибо маҳалласида истиқомат қилувчи Гулчехра Холматова уч нафар фарзанди билан ажрашган. Хонадон қайнонаси номида. Ҳокимлик, мутахассислар аралашуви ҳам қайнонани инсофга келтиролмапти. Осмон қўлида бўлган қайнона келинини уйга киритмайди. Гулчехра ҳозирда ижарада яшаяпти... **Очиқ қолаётган бошлана таъминоти** Оилавий ажрим масаласи кўриб чиқилишида аёлнинг, вояга етмаган болаларнинг бошлана таъминоти ҳамон очик қолаётгани юқоридаги мисолларда яққол кўринмоқда. Минг афсуски, машамаларнинг кети узилмаяпти. Виждонини сотиб еган ота, қоп-қоп вадалар билан бировнинг қизига эгаллик

...Муҳаррам Қўчқарова Андижон шаҳрининг Қаландархона маҳалласида яшайди. Уч нафар фарзанди бор.

Оилавий ажримларнинг Фуқаролик судлари томонидан қайд этилиш ҳолати ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 42,8 фоизга ошганини бепарволик

Бугун Президентимизнинг оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасидаги сиёсати га бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро, масъуллар, раҳбарлар оилавий ажримлар камайиши учун ҳаракат қилади. **Зилола РАҲМОНОВА, "XXI asr" муҳбири**

Бахтигул ҚАРШИЕВА, O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши матбуот котиби

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

ШАРМАНДАГА ШАҲАР КЕНГ ЭМАС

Хукук-тартибот органлари ходимларига “ҳомийси ҳар қандай кишини “ўтиргизиб қўйишга қодир” лиги билан” таҳдид қилган сохта тадбиркорнинг ўзи ўн беш сутка “ўтиришга” мажбур бўлди.

Ҳап шундаки, “Жиноят ҳақиқати ва адолат” деб номланган янгича тизим асосида хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва ҳокимият вакиллари иштирокида Бектемир тумани Нурафшон маҳалласидаги “Қўйлик” деҳқон бозори атрофида) ҳолатлар ўрганилаётганда турли спиртли ичимликлар ва психотроп моддалар билан савдо қилиш ҳолатлари аниқланиб, мазкур ҳолатлар бўйича ўзларини “тадбиркор” деб билган шахсларга тегишли тушунчалар берилмаётган вақтда ўзини Т. Ш. деб таништирган шахс сектор раҳбарларидан ҳам “ҳурмати баландлиги” ни рўқча эта бошлади.

Мазкур шахс хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва давлат ташиқлотларида “ҳомийлари” борлигини, керак бўлса, “сизларни ўтиргизиб қўйишим мумкин” дея ишчи гуруҳга таҳдид қилиб, кескин қаршилик кўрсатди ва курақда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлади.


Ҳолат юзасидан Т. Ш. га нисбатан тўлланган далил ва ҳужжатлар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмалари Бектемир тумани маъмурий суди томонидан кўриб чиқилиб, айбдорга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан 15 (ўн беш) сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланди. Ўзбекистон Республикаси МЖТК 198-моддасининг 1-қисми билан энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдориде жарима жазоси тайинланиб, давлат фойдасига ундирилди.

Бугун тинч ва осойишта, фаровон ҳаётимизга раҳна солаётган, нафси йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган кишиларнинг борлиги ҳам, афсуски, ҳақиқат. Энг ачинарлиси, улар буни тан олишни истамайди. “Шармандага шаҳар кенг” нақлини ўзига шиор қилиб олгани уларнинг кимлиги элга ва хуқуқни муҳофаза қилиш идораларига қандай равшан.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
Манба: ishonch.uz

“Акция”лар: кимгадир фойда, бошқаларга зиён

“Энергетик ичимликлар нима?”, “Энергетик ичимликларни истеъмол қиласизми?”, “Энергетик ичимликларнинг қанчалик “муҳлисисиз?”, Ижтимоий тармоқлар орқали ушбу сўровномани ўтказиб, шунга амин бўлдики, айнан охириги йилларда ушбу ичимликлар аҳоли ўртасида кенг тарқалган ва таъми ёқмаса ҳам олишга мажбур бўлмоқда. Табиийки, ўзининг сезганингиздек “оммалашувига” албатта, оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган, тинмай бот-бот тақорлаб кўрсатилаётган “мега акциялар”нинг таъсири қатта. Хўш, энергетик ичимликлар биз учун қанчалик фойдали?



“.... Сотиб ол, “Тошкент Сити”дан квартира ютиб ол”

Ҳа, сиз ҳам қизиқишни бошладингизми?! Албатта, ким ҳам бундай “чорлов”лардан кейин қизиқмайди. Аммо айрим

юртдошларимиз таъми ва таркибини билмасдан туриб, сотиб олмақда. Энг ҳайратланарлиси шундаки, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардаги гуруҳларда ва шахсий саҳифаларида “Ситро”нинг 6-қисмини топиб беринг суюнчиси бор, эвазига 2000 доллар бераман” ёки “WFдан илтимос 5 та қоқоқ қисмини топишга ёрдам беринглар” деган “постлар” тез-тез учраб туради. Айниқса, ўсимларнинг бунга қизиқиши юқори. Аслидачи?! Чиндан ҳам бу қоқоқчалар ютуқлими?! Йўқ, албатта. Бу акцияларда қатнашиб толганингиздан кўра, кўп нарсани ютказасиз. Чунки, тўлиқ ютуқли қоқоқлар ўзининг айтганингиздек 6 ёки 5 қисм бўлади. Энди ўйлаб кўринг, Ўзбекистонда 33 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, демек пулингизни ҳавога сарфлашингиз турган гап. Охириги пайтларда, “интернет троллари” томонидан сохта қоқоқларни сотаётганлар ҳам кам эмас.

Алишер Полвонов (21 ёш):

– Энергетик ичимликларни хўш кўрмайман. Аммо шу акцияга қизиқиб оламан. Акциялар бошлангандан бери харид қиламан. Менимча, шу пайтгача олган энергетик ичимликларимнинг пулига шу автомобиль ёки уйга бошлангич тўлов, умуман ўзимга керак барча маиший техникаларни сотиб олсам бўларди. Буни “чув” тушганимча билмасдим. Негаки бу ичимликларнинг барча қоқоқлари бор, фақатгина ўша омадли қоқоқлар кам. Facebook ижтимоий тармоғи орқали ютуқли қоқоққа суюнчи бор, деб пост қўйдим. Кўпчилик “Менда бор қанча берасиз?” деб ёзди. Бошида ҳазиллашиб ёзаяпти деб ўйладим. Бир тарафдан қизиқиб кўрдим ва улар билан учрашдим. Айтган пулларини бердим. Ўзимда йўқ хурсандман. Компания борсам бу қоқоқлар сохта эканини айтишди. “Удда-бурон” ларни эса ҳалигача қидираман. Шунча пулларимга ачиндим. Негаки кунига 3 ёки 4 та энергетик ичимлик сотиб олардим.

Бу қоқоқ йиғиш шунчаки қизиқиш эмас, эндиликда ишқибозлар учун бу асосий мақсадга айланаётган эди. Албатта, телевизорда, самарқандлик машина ютган, навоийлик маиший техникалар, нукуслик скутер ютиб турган реклама роликларини кўриб ҳавасингиз ортади. Ютуқли совринлар тугаб қолмасидан олдин ўша “топилмас қоқоқни” топишни хоҳлайсиз. Аммо ҳар бир нарсада меъёр бўлса жуда яхши. Ахир ўтмаган “маҳсулот”ни инсон саломатлигини ўртага қўйиб, сотишнинг оқибати ачинарли бўлиши мумкин.

Жорий йилдан бошлаб “Реклама тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ва унинг 221-моддасида энергетик ичимликлар бўйича чекловлар жорий қилинди. Унга кўра, эндиликда қуйидагилар тақиқланади:

- соат 7-00 дан 22-00 га қадар энергетик ичимликларни телевидение ва радио орқали реклама қилиш;
- реклама қилиш мақсадида энергетик ичимликлар намуналарини ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар орасида текин тарқатиш;
- асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун мўлжалланган тадбирларга ҳомийлик қилиш, агар бунда энергетик ичимликларнинг номидан, товар белгисидан ёки тасвиридан фойдаланиладиган бўлса;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар орасида энергетик ичимликларнинг номи, товар белгиси ёки тасвири туширилган товарларни (футболкалар, бош кийимлар, ўйинларни ва шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан сотиш;
- асосан болалар ва ўсимлар учун мўлжалланган босма нашрларда, шунингдек тиббиёт, спорт ва таълим муассасаларида энергетик ичимликларни реклама қилиш.

Ўзимизнинг чойдан қўймасин

Энергетик ичимликлар (шу тоифадаги барча маҳсулотлар) бугунги кунда жаҳон бозорини тарқ этмоқда. Чунки асосий мақсад инсон саломатлиги. Саломатлиқни уй ва автомобиль ўрнига қайтиб ололмастлигини яхши

билади. Вақтинчалик чарчоқларни халос этиш ўрнига табиий маҳсулотларни истеъмол қилиб, танага дам берганимиз яхши. Негаки саломатлик бебаҳо бойлиқдир. Жисмоний меҳнат билан шуғуллангандан сўнг бундай ичимликларни ичса, одам чарчоқ ҳиссини туймаслиги мумкин. Аммо ушбу ичимликлар вақтинчалик йўқотган чарчоқ эртанги кун учун ёки ичимлик таъсири ўтгандан сўнг икки баробар ортади. Натижада, организм чарчоқни йўқотиш учун яна қувват талаб этади. Шундай экан, бундай ичимликларни қабул қилиш ҳаёт тарзига жиддий зарар етказишини асло унутмаслик лозим. Хулоса ўзингиздан...

Айжамал Жолдасбаева,
Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш жамиятлари федерацияси етакчи мутахассиси
Ўздан қисқартириб олинди.



ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМ ТАДБИРКОР

“Андижоннома” газетаси тахририяти биноси ҳовлисидаги иссиқхона яқин кунларда ўзининг биринчи ҳосилини беради. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш қандай бўлишини журналистларимиздан ҳам ўрганасан арийди” – деб ёзади Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Тўлқинжон Каримов ўзининг Фейсбукдаги саҳифасида.

“САЙТ” НОМИНИ СОТДИ

Тахририятта 29 апрель куни Китоб туманидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисларидан бири кўнгирак қилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев имзои билан 26.08.2018 да №1250 рақами билан гувоҳнома тақдим этилган “www.nasafnews.uz” веб-сайтдан деб ўзини таништирган шахс Президентимизнинг шу йил 23 апрелдаги “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини “таъминлаш” баҳонасида худуддаги бир нечта МФЙ ҳамда мактаб раҳбарларини чалғитиб аввал шартнома имзолаттирган, сўнг эса нақд пул талаб қилган...

Тахририятта уларни “чув” туширган фуқаронинг исми-шарифи маълум, лекин айбисизлик презумпцияси нуқтаи назаридан эълон қилишни лозим топмадик. Қолаверса, ушбу ҳолат юзасидан ваколатли идоралар ўз текширувини олиб боришяпти. Бу ҳақда махсус мақола тайёрлашни ҳам режалаштиряпмиз.

ЛОЛАНИ ЮЛСАНГИЗ... ҚАМАЛАСИЗ!

Қозоғистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган “Грейг” ва “Кауфман” лолаларини ноқонуний юлиш, автойулар бўйида ва бошқа жойларда сотиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида мунтазам рейд тадбирлари уюштирилмоқда. Буни минтақавий коммуникациялар хизматида ўтган брифингга Туркистон вилоят полиция департаменти маҳаллий полиция хизмати бошқармаси табиатни муҳофаза қилиш гуруҳининг катта инспектори Н. Туманбаев маълум қилди.



Лолани юлганлар Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 339-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноятни содир этган шахс ҳаракати далилланган тақдирда суд қарори билан ОХЖнинг 3 000 баравари миқдориде жарима солиш ёки қamoқ жазосига ҳукм этилиши мумкин. Йил бошидан бери вилоят аҳолиси ноқонуний узган 57 дона лола мусодара қилинди, – деди Н. Туманбаев.

Шунингдек, Туркистон вилояти ўрмон ҳўжалиги инспекцияси бўлим раҳбари Х. Жўрабеков лолаларни ҳимоя қилишга оид чоралар ҳақида маълумот берди.

Сирдарё – Туркистон Давлат минтақавий боғи туризм бўлимининг раҳбари Ф. Назарбек эса табиат қўйнида ҳордиқ олишга чиққанлардан кўпчилиги ижтимоий тармоқларда лола билан тушган суратини эълон қилаётганини айтиб, табиатнинг бебаҳо бойлигини кўз қорачигидек асрашга даъват этди.

Манба: “Жанубий Қозоғистон” газетаси

УЙЛАР ҚУРДИК, ТҮЙЛАР ҚИЛДИК...

– 50 сўтих иссиқхона ташкил қилувдик. Мана, кам бўлмадик. Шунинг орқасидан уйлар қурдик, тўйлар қилдик. – Фермер ҳўжалигимиз кенгайиб борапти. Фойда ҳам ёмон эмас. Шунинг ҳисобидан бу йил бир қиз чиқариб, бир ўғил уйлантирдик.

– Кредит олиб, қандолат цехи ташкил қилганмиз. Ёмон эмас. Бу йил ўғлимиз университетни битиради. Унга уй қуриб, кейин уйлантиришимиз керак. Радиода ҳар кун шундай интервьюларни эшитаман. Бирон киши “Бу йилги даромад ҳисобидан аёлим (ҳўжайиним) иккимиз Мисрга (ё Дубайга), Парижга (ё Хитойга), Тожмаҳаллни кўришга бормоқчимиз”, демайди-я!

Манба: Хусан КАРВОНЛИнинг
Фейсбукдаги саҳифасидан олинди.

Материалларни
Жавҳарбек ҚОДИРОВ саралади.

Пресс-тур

Ишбилармондан иштиёқ, банкдан эса молиявий мадад

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки “Худудларда “Агробанк”нинг молиявий кўмагида фаолиятини бошлаган тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар” мавзусида Окқўрғон ва Паркент туманларида ОАВ вакиллари иштирокида пресс-тур ўтказди.

Қатнашчилар Паркент туманидаги “Sof gigienik” корхонаси фаолияти билан таништирилди. Мазкур ишлаб чиқариш субъекти фаолиятини ривожлантиришда “Агробанк” молиявий кўмагига таяниб келмоқда. Айни вақтда корхонада “Lalaku”дан ташқари “Soft Prima”, “Safara” ва “Johny baby” номли брендлар асосида болалар шимматагликлари тайёрла-

няпти. Бу ерда 200 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Маҳсулотлар Туркия, БАА, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

– “Lalaku” бундан 3-4 йил аввал бозорларимизда йўқ эди, – дейди “Sof gigienik” масъулияти чекланган жамияти таъсисномли брендлар асосида болалар шимматагликлари тайёрла-

чиқарилаётган шимматагликлардан анча арзон.

Тадбиркор маҳсулот ишлаб чиқариш сирлари, унинг этиборли жиҳатлари ҳақида сўзлаш билан бир қаторда кредит бериш ва уни олиш тартиби ҳақида фикрларини баён этди.

Пресс-тур иштирокчилари корхона иш фаолияти билан танишиб, жараёни бевосита кузатиш имконига ҳам эга бўлди.

Ўз мухбиримиз




Нуктаи назар

Синган кўзгу

Эркин матбуот, эркин фикр яшайдиган жойда давлат амалдорлари у ёқ-бу ёғига қараб ишлайди

Кимнингдир турткиси билан уйғониш чин маънода уйғоқликми? Ҳақ олинса, кўнгил тўлади! Берилган ҳақ билан мақтаниш ожизликдир! Ўзинг уйғонсайдинг, ўзинг ҳақингни сўрашни билсайдинг, ҳеч бўлмаса, ҳақини сўраганлар ёнида тура олсайдинг! Янаям паст-роқ тушай, ҳақини сўраганларга индамасайдинг!

денг, ўгли Россияга ишлашга кетиб, ўша юртлардан Туркияга ўтиб кетибди. Муаммо шу, шунга она айбдор! Йигирма йил олдин уни Туркияга ўтиб кетмайдиган қилиб туғиши керак эди. Энди пластинкани алмаштирдик. "Туман ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла фаоллари билиб-билмай хато йўлга кириб қолган ёшлари-



Ангренга бориб, халқнинг ночор аҳволи ҳақида жуда қаттиқ гапирди. Эртаси куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бир журналист ёзди: "Биз шундоққина биқинимизда турган муаммони кўрмаган эканмиз, қаранг Президентимизнинг донолигини!" "Хизмат кўрсатган" ҳалиям отда, ҳалиям бировага гап бергиси келмайди! Қани энди бир тил бўлса-ю, "Ҳазрат, сиз ана шу биқинингиздаги муаммони кўрмаганингиз учун раҳбар бўлдингиз, халққа хизмат қилмаганингиз учун "хизмат кўрсатган" олдингиз-да", деса! Дегандаям нима ўзгаради?! Шу одамдан қўр дакки келтирилган: "Ҳаётга қара кўзойнак билан қарайсан! Президент сиёсати-га қаршимисан?!". Ўн йил олдин бу гапнинг нималигини билармидингиз? Шу атрофда юрган бўлсангиз, албатта билардингиз. Билмай кўринг-чи! Бу шундай таҳдид эдики, эшитган одам беихтиёр "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз", деворарди. Ҳа, шунақа деб юравердик. Ўтган йили қарасак, биз ҳаммадан кам эканмиз! Таълим тизими издан чиқиб кетган, соғлиқни сақлаш аянчли аҳволда, қишлоқ хўжалиги ночор, ёшлар қаровсиз, диний саводсизлик авжига чиққан!

Кўзига матбуот кўзгу тутиб туриши керак. У кўзгуга қарасин, ўзини тузатсин! Бир ҳафта кўзгуга қарамаган одамнинг башарасини кўрмаганмисиз? Йигирма беш йил қарамаган одамники-чи?! Биз кўзгуга қарамадик, уни синдириб ташладик. Ҳукумат билан ўртасини узилиб қолди. Шунақа бир девор пайдо бўлдики, ошиб ўтишнинг ҳеч иложи йўқ! Пахтани териб, ғаллани йиғиб, газ, нефть, олтинни қазиб олиб, девордан ошириб ташлаймиз. Биз қора ботирларнинг мақсадимиз: омборни тўлдириш! Лекин бу ўлгур ҳеч тўлмайди. Тўлдирилмадик! Натижада, дон излаб ҳар томонга учиб кетди. Шунда ҳам ҳеч ким "Шунча меҳнат қилдинг, узр, қорингни тўйгазолмадик", демади. Ортимиздан: дангасалар, хоинлар, "ватангадолар" деб сўкиб қолди. Биз соддалар билмадикки, омборимизга каламушлар танда кўйган экан! Бу ёғи Лос-Анжелесу бу ёғи Швейцарияда миллион-миллон долларлик саройлар қурибмиз, виллалар сотиб олибмиз, шахсий самолётларимиз бор экан... Лекин биз билмадик, билолмасдик ҳам-да! Чунки кўзгу синган эди, синдиришган эди. Энди нима бўлади? Кўзгуни бутлай оламизми? Йўқ, чунки кўзгу синган куни ўқувчининг ишончи ҳам қўшилиб синган. Яқинда бир отахон газета таълим тизимининг ўн бир йилликка қайтиши келажак учун муҳим қадам бўлганини ёзиб, исботлаб берди. Беш-ўн йил илгари "Коллежлар бизнинг келажакимиз", деб ёзиб, уни ҳам бот-бот исботлаб турарди. Халқ бу гапнинг қайси бирига ишонсин?

мизни соғлом ҳаётга қайтариш учун уйларига бориб суҳбатлар ўтказишяпти. Натижада одамларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи тикланяпти". Айтинг-чи, залда қон ютиб турган 80 ёшли ўша онахон бу гапларни эшитиб нималарни ўйлаётган экан? Телевидениенинг қайси гапига ишонсин? Эртага яна бошқачароқ гап ўртага чиқиб қолса-чи! Демак, оммавий ахборот воситалари кўрсатма асосида ишлашни бас қилиши лозим. ОАВ ҳукуматнинг оғзига қарамасин, тишлаб ўтирган мумини туфлаб ташлаб, ўзининг оғзини ҳам ишлатсин! Бугунгача келаятган йўлни ўзгартирсин, ўқувчининг ишончини қозонадиган йўлга ўтсин. Бу йўл – мустақил фикрлаш, ўз СЎЗИ ва ўз ФИКРИни айта олиш йўли бўлсин. Шунда бизнинг жамиятимизда ҳам ШАХСлар пайдо бўлади. Шахслар – миллат лоқомотивлари! Бутун бошли миллат китобхон, зиёли, буюқ бўлиб кетиши мумкин эмас. Миллатнинг буюклигини ана шу лоқомотивлар кўрсатади. Биз шахсларга йўл бермадик. Болаларимизни шахс қилиб тарбиялашга интилмадик.

Ёшларимиздан бири фахрий ёрлик олган экан, қувончдан: "Энди қандай яшайман?!" деб изиллайди. Ҳой, сенинг истеъдодингнинг нархи битта фахрий ёрликми ҳали?! Биттаси чиқиб, "Мамлакатимизда ёшларга (хатто хотин-қизларга деганимиз) берилмаётган эътибор дунёнинг ҳеч бир давлатига йўқ", дейди. Чиноздан нарига ўтмаган қизалоқнинг гапини қаранг! Чунки у нима қилсин, ўзининг гапи йўқ, бу гапни қаердандир эшитиб олган ёки қайсидир зиёлинома кас бирор тадбирда чиқиб қолсанг айтасан деб атай ёдлатган. Аниқ билади, зарарсиз гап! Хуллас, умумий гаплардан, шаблон гаплардан, энг муҳими, ёлғон гаплардан воз кечиб, реал ҳаётга қайтиш вақти аллақачон келди.

Алишер НАЗАР

Бозор ёнидаги озорлар

ёхуд "Кўйлик"даги ер ости йўли билан боғлиқ ажаб хангомаларнинг суратлардаги акси ва...



Хабарингиз бор, газетамизнинг 2019 йил 28 март сонида "Бозор ёнидаги озорлар ёхуд Кўйликдаги ер ости йўли билан боғлиқ ажаб хангомаларнинг суратлардаги акси ва..." сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Суратларда пойтахтимиздаги замонавий "Compass" савдо кўнгилчар маркази ёнидан "Кўйлик" бозорига олиб ўтувчи ер ости йўлигаги пала-партиш, ноқонуний ёйма раста ва бунинг оқибатида юзага келаётган ноқулайликлар тасвирланганди. Куйида ана шу ҳолатга масъул идоралардан келган айрим жавобларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

"Кўйлик" деҳқон бозори ва ундан чиқиб жойидаги ер ости йўлигаги туман ҳокимияти, давлат солиқ инспекцияси, ички ишлар бошқармаси, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан назорат амалга оширилмоқда. Гуруҳ ўтказган рейдлар натижасида 51 та ҳолатда фуқароларнинг савдо қондаларини бузгани аниқланиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 53-моддаси талабига кўра 11 150 150 сўм миқдорда маъмурий жазога тортилган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида, ушбу

ер ости йўлигаги фуқаролар томонидан соғломлашган, сифати ва ҳавфсизлигини кафолатловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 2 566 кг. мөва-сабзавот маҳсулотлари, 1 208 кг. сўт ва сўт маҳсулотлари, 286 кг. гушт маҳсулотлари, 498 кг. салатлар аниқланиб, савдоси тўхтатилган.

Мақола чоп этилган, назорат янада кучайтирилганини маълум қиламиз.

Б. Адипов,
Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач

10 апрель куни ваколатимиз доирасида ҳолатни ўргандик. Мақолада қайд этилган масканда, ҳақиқатан ҳам, айрим фуқаролар ноқонуний савдо фаолияти билан шуғулланаётганига гувоҳ бўлдик. Ушбу йилнинг ўтган даврида 67 нафар фуқаронинг 35 миллион 800 минг сўмлик ноқонуний савдога олиб чиққан товар мод-

дий бойликлари тегишли ҳужжатлар асосида расмийлаштирилиб, махсус дўконга топширилди.

Бундай чора-тадбирлар давом этмоқда.

И. Абдуқадров,
Бектемир тумани давлат солиқ инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари

Сурхондарёда бунёдкорлик ишлари қизғин

Реклама ҳуқуқида

Мамлакатимизнинг жанубий сарҳади – Сурхон воҳасида инвестициявий лойиҳалар асосида таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ҳамда бошқа йўналишдаги объектиларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари изчил олиб борилмақда.



– Денов туманидаги тиббиёт бирлашмасининг 150 ўринли терапия бўлими қарийб 4,5 миллиард сўм эвазига реконструкция қилинмоқда, – дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси қу-

Баҳодир Нурматов раҳбарлигидаги "Эко сифат бунёдкор" хусусий корхонаси эса Узун туманидаги 22-мактабга таълим муассасасини мукамал таъмирдан чиқарпти. Тумандаги 1-сонли умумтаълим мактаби биноси анчайин аёбдор ва таъмирга муҳтож ҳолатда эди. Мутасаддилар томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида мазкур таълим маскани жорий йилдаги инвестицион дастурга мувофиқ капитал таъмирланиши режалаштирилди. 2,6 миллиард сўмлик лойиҳани тўқис адо этишни "Сариосиё сифат кафолат" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ўз зиммасига олган. Аини пайтда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, пардозлаш тугалланмоқда. Термиз шаҳридаги Ҳайвотот боғи 50 йиллик тарихга эга. Аммо шу давргача жорий таъмирланиб келинар эди. Унинг маъмурий ва ҳўжалик биноларини буткул реконструкция қилиш учун 48 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу ерда бонкорлик соҳасида кўп йиллик меҳнати билан обрў қозонган Муродулло Абдуллаев етакчилигидаги "PROF GROUP" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари жонбозлик кўрсатишмоқда. Ушбу жамоа 160 ўринли вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, масжид, меҳмонхона каби кўплаб иншоотларни ҳам барпо этишган.



рилишлар техник назоратчиси Низом Жалилов. – Бу ерда Абдусалом Сафаров бошчилигидаги "Бойсун бунёдкори" хусусий корхонаси қурувчилари фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" муҳбири

Хизматлар лицензияланган

“Хоразм автосавдо”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

юртдошларимизни 9 май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами
муносабати билан қизгин муборақбоғ этади.

Фахр ила айтамузки, Ўккинчи жаҳон урушида мардларча қаҳрамонлик
кўрсатган фахрийларимизнинг юртимиз тинчлиги учун чеккан заҳмати,
хаёт қийинчиликларини сабот билан енгиши биз учун ҳақиқий жасорат
ва фидоийлик тилсолуғир.

Сизларга тани-суҳатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга фойзу
барока тилаймиз.



ТАБРИК



“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

халқимизни яқинлашиб келаётган

9 май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами билан
самимий қутлайди.

Бугунги осойишта кунларимиз сабабчилари – жанг майдонларида
мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган
муҳтарам фахрийларимизга чексиз ташаккурлар изҳор этамиз.

Мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, узоқ умр тилаймиз,
хонадонларингиздан эса қут-барока, хурсандчилик
ва фаровонлик аримасин!



ТАБРИК



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

XSKI
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ	Алҳам ШОДМОНОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ	Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Виктор ПАК
Мавлуда ХУЖАЕВА	Насимжон АЛИМОВ
Сирожиддин САЎИЙИД	Аслидия: АЛМАРДОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(тел./факс).
Котибият – 71 281-40-17
Обуна ва реклама
бўлими –
71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 558 Тираж: 5202
Баҳоси келишилган нарҳда.
ЎЗА якуни – 23:15
Топширилди – 01:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтани
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер
Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

123456

Набғачи муҳаррирлар:
Нурол ЭЛМИРЗАЕВА, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.